

“IFRS” HOMLI
KONFERENCIYA

CONFERENCE “GLOBAL AND NATIONAL ECONOMIC

TRENDS”

2nd FORUM OF
DEVELOPMENT
STRATEGY:
GLOBAL AND
NATIONAL
ECONOMIC
TRENDS



TASHKENT STATE
UNIVERSITY OF ECONOMICS

1 йўналиш: ГЛОБАЛ
ИҚТИСОДИЁТНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА
ИСТИҚБОЛЛИ ЙўНАЛИШЛАРИ
“Глобал ва миллий
иқтисодий трендлари”

CONFERENCE

19-20
OCTOBER

ФОРУМ

PARALLEL CONFERENCES
“NEW2AN, ICFNDS
AND ICDSIS”

2nd FORUM OF
DEVELOPMENT
STRATEGY:
GLOBAL AND
NATIONAL
ECONOMIC
TRENDS

“NEW2AN, ICFNDS AND ICDSIS”

CONFERENCE
“IFRS”

GLOBAL
ECONOMIC
TRENDS

2nd FORUM OF
DEVELOPMENT
STRATEGY:

“IFRS”

2nd FORUM
DEVELOPMENT

RAQAMLI IQTISODIYOT VA AXBOROT TEKNOLOGIYALARI

2023

ELEKTRON ILMIY JURNALI / MAXSUS SON

ФОРУМ

19-20 OCTOBER

PARALLEL CONFERENCES

“NEW2AN, ICFNDS

AND ICDSIS”

РАҚАМЛИ ИҚТИСО
АХБОРОТ ТЕХНОЛ
ВА ТАЪЛИМНИНГ
ИСТИҚБОЛЛИ ЙўН
“NEW2AN, ICFNDS,
номли параллель
конференциялар

- Macroeconomic Stability
- Social Welfare
- Human Capital
- Decent Employment
- World Economy
- Gender Equality
- Industry 4.0
- Sustainable Agriculture

- Innovation in
education



РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
DIGITAL ECONOMY AND INFORMATION TECHNOLOGY
ЦИФРОВАЯ ЭКОНОМИКА И ИНФОРМАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ

Электрон илмий журнал | Electronic scientific journal

МУАССИС | FOUNDER

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Tashkent State University of Economics

ТАҲРИР КЕНГАШИ РАИСИ | CHAIRMAN OF THE EDITORIAL BOARD

Шарипов Конгратбой Аvezимбетович — т.ф.д., профессор
Sharipov Kongratboy Avezimbetovich — doctor of technical sciences, professor

БОШ МУҲАРРИР | EDITOR-IN-CHIEF

Абдуллаев Мунис Курбонович – и.ф.ф.д. (PhD), доцент
Abdullayev Munis Kurbonovich – PhD, docent

БОШ МУҲАРРИР ЎРИНБОСАРИ | DEPUTY CHIEF EDITOR

Вафоев Бобуржон Расулович – и.ф.н., доцент
Vafoev Boburjon Rasulovich – PhD, docent

МАСЪУЛ КОТИБ | EXECUTIVE SECRETARY

Л.А. Аблазов | L.A. Ablazov

ВЕБ-АДМИНИСТРАТОР | WEBMASTERS:

Н.Я. Нурсаидов, А.Ш. Махмудов | N.Ya. Nursaidov, A.Sh. Makhmudov

ТАҲРИРИЯТ АЪЗОЛАРИ | EDITORIAL BOARD

С.С. Гулямов – и.ф.д., академик.
Б.А. Бегалов – и.ф.д., профессор.
М.П. Эшов – и.ф.д., профессор.
О.Қ. Абдурахмонов – и.ф.д., доцент.
К.Б. Ахмеджанов – и.ф.д., профессор.
И.М. Алимардонов – и.ф.д., доцент.
Р. Салиходжаев – и.ф.б.ф.д. (PhD).
Проф. Холназар Амонов (Чехия).
Проф. Карина Татек Банетти (Чехия).
Проф. О. Абдураззаков (Германия).
Проф. Эко Шри Маргианти (Индонезия).
Проф. Д.М. Назаров (Россия).
Проф. Н.М. Сурнина (Россия).
Проф. Марк Розенбаум (АҚШ).
PhD. Абдул-Рашид (Афғонистон).
PhD. Аҳмед Моҳамед Азиз Исмоил (Миср).

PhD. Беҳзод Саидов (АҚШ).
PhD. Умид Ахмедов (Дания Қироллиги).
А.А. Исмаилов – и.ф.д., профессор.
И.Е. Жуковская – и.ф.д., профессор.
Т.С. Қўчқоров – и.ф.д., профессор.
Р.А. Дадабаева – и.ф.н., доцент.
Ш.И. Хашимходжаев – и.ф.н., доцент.
А.А. Абидов – т.ф.н., доцент.
И.М. Абдуллаева – и.ф.н., доцент.
Н.Б. Абдусаломова – и.ф.д., доцент.
Ш.С. Эгамбердиев – и.ф.б.ф.д. (PhD).
Р.Х. Алимов – и.ф.д., профессор.
А.У. Қобилов – и.ф.н., доцент.
Р.Х. Насимов – т.ф.б.ф.д. (PhD).
С.С. Қулматова – и.ф.б.ф.д. (PhD).

МУНДАРИЖА:

Шарипов К.А., Ишназаров А.И.	ИҚТИСОДИЙ ЎСИШГА ИНВЕСТИЦИЯ ОҚИМЛАРИ ТАЪСИРИНИ ЭКОНОМЕТРИК ТАДҚИҚ ҚИЛИШ	6
Eshov M.P., Nasirkhodjaeva D.S.	IMPACT OF THE DEVELOPMENT DIGITAL ECONOMY ON THE SOCIO-ECONOMIC DEVELOPMENT OF THE COUNTRY	14
Abdurahmanova G.Q., Mirzaliyev S.M.	OLIV TA'LIM TRANSFORMATSIYASINING TASHKILY-IQTISODIY MEKANIZMLARI	25
Гулямов С.С., Шермухамедов А.Т.	ПРОБЛЕМЫ РАЗВИТИЯ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ В УЗБЕКИСТАНЕ	28
Abdullayev M.K., Qulmatova S.S.	LOYIHALASH JARAYONLARIDA AXBOROT-KOMMUNIKATSIYA TEKNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISHDA DIZAYN MUAMMOLARI	34
Абидов А.А.	ДИАГНОСТИРОВАНИЕ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ СИСТЕМЫ В УСЛОВИЯХ ВОЗМУЩАЮЩЕГО ВОЗДЕЙСТВИЯ СРЕДЫ	40
Юлдашев А.А.	ЛОГИСТИКА СОҲАСИДА БЛОКЧЕЙН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ САМАРАДОРЛИГИ	47
Yakubova Sh.Sh.	DIGITAL DEVELOPMENT AND THE NATURE OF DIGITAL ASSETS	56
Ergashodjayeva Sh.Dj.	RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA XARIDORLAR MA'LUMOTLARI MAXFIYLIGINI TA'MINLASH: MUAMMOLAR VA YECHIMLAR	64
Xashimxodjayev Sh.I., Zhukovskaya I.E.	DIGITAL TECHNOLOGIES ARE A STRONG BASIS FOR THE SOCIO-ECONOMIC DEVELOPMENT OF THE COUNTRY	72
Амридинова Д.Т., Курбанова С.А.	ЦИФРОВАЯ ЭКАНОМИКА И ОНЛАЙН ОБРАЗОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ	79
Fayziyeva Kh., Tursunov Kh., Khidirova M., Kulmanov T., Zikriyoev A.	GROWING UP IN A CONNECTED WORLD: INTERNET USAGE DYNAMIC IS DIGITAL AGE OR HUMAN CAPITAL DEVELOPMENT?	88
Fayziyeva M.X.	TIJORAT BANKLARI TAKLIF ETGAN RAQAMLI TEKNOLOGIYALARDAN FOYDALANISHNI BAHOLASH	104
Qobilov A.O', Abdulaxatov M.M., Rajabov Sh.B., Zokirov S.Z.	ASSOTSIATIV QOIDALAR VA BOZOR SAVATLARINING TAHLILI . .	115
Ризакулов Ш.Ш.	БЛОКЧЕЙН ТЕХНОЛОГИИ В ЭКОНОМИКЕ: НА ПРИМЕРЕ ЭЛЕКТРОННОГО ПРАВИТЕЛЬСТВО	121
Назарова Р.Р., Нигматуллаева Г.Н.	СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ БЕЗОПАСНОСТИ ЭЛЕКТРОЭНЕРГЕТИЧЕСКОЙ ОТРАСЛИ УЗБЕКИСТАНА	126
Meyliev O.R., Gofurova K.X.	THE ROLE OF ELECTRONIC COMMERCE IN THE DIGITAL ECONOMY	132

Ma'murov B.X.	RAQAMLASHTIRISH SHAROITIDA HUDUDLAR IQTISODIYOTI TARKIBIY TUZILMASINI TAKOMILLASHTIRISHNING MOHIYATI VA UNING OMILLARI	142
Гаипов Ж.Б.	ВЛИЯНИЕ ЦИФРОВИЗАЦИИ ПЛАТЕЖНЫХ СИСТЕМ НА ПРИБЫЛЬНОСТЬ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ	150
Maxmudov S.B.	MILLIY IQTISODIYOTDA EKSPORT AMALIYOTIGA TA'SIR ETUVCHI OMILLARNI EKONOMETRIK TAHLILINI BAHOLASH ...	160
Nursaidov N.Y., Vafoev B.R.	PROBLEM OF LIMITED ACCESS TO THE INTERNET IN MOBILE LEARNING	172
Хидирова Б.И.	РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА НАЗАРИЙ ЁНДАШУВЛАР	179
Xalilova N.K.	O'ZBEKISTON SHAROITIDA XARIDORLARNI BOSHQARISH JARAYONLARINI RAQAMLASHTIRISH ISTIQBOLLARI	187
Рахматова Ш.О.	РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ШАРОИТИДА БИЗНЕСНИНГ ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТИНИ БАҲОЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	196
Axmedova S.I.	RAQAMLI IQTISODIYOTDA SANOAT KORXONALARINING ISHLAB CHIQRISH SAMARADORLIGINI OSHIRISH BO'YICHA XORIJIY MAMLAKATLAR TAJRIBASI	203
Мирзарахимова А.Б.	СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИ РАҚАМЛАШТИРИШДА ЭЛЕКТРОН ТИББИЙ ЁЗУВЛАРНИНГ РОЛИ	209
Abdurakhmonov A.A.	O'ZBEKISTONDA RAQAMLASHTIRISH TENDENSIYALARI VA UNDAGI MAVJUD MUAMMOLAR	215
Abduraxmanova Z.T.	O'ZBEKISTONDA OZIQ-OVQAT MAHSULOTLARI ISHLAB CHIQRISHNI RIVOJLANTIRISHDA RAQAMLI TRANSFORMATSIYALARNING O'RNI	223
Mustafakulov O'U.	STATISTIKA TIZIMIDAGI RAQAMLI PLATFORMALARNI BAHOLASH VA ULARNI TANLASH	232
Tal'atova D.B.	RAQAMLI TENGSIZLIKNI BARQARORLASHTIRISHNING IQTISODIY O'SISHDAGI O'RNI	238
Nabiyeva F.O.	RAQAMLI BANKING: QIYINCHILIKLAR, RIVOJLANAYOTGAN TEXNOLOGIYA TENDENSIYALARI VA KELAJAKDAGI TADQIQOTLAR	244
Yax'yayev O.Y.	"JUST IN TIME" XALQARO MENEJMENT MODEL, O'RGANILISHI, AMALIYOTI, RIVOJLANGAN DAVLATLAR TAJRIBASI	254
Yuldashov I.S., Ro'ziev N.I.	RAHBARNING BOSHQARUV KOMPETENTLIGINI SHAKLLANTIRISH MEKANIZMLARINI O'RGANISHNING KONSEPTUAL ASOSLARI	260
Тўраева Н.О.	КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ЖИХАТЛАРИ	265
Muzaffarova D.M.	TASHKILOTNING FUNKSIONAL OPERATSIYALARINI RAQAMLI TRANSFORMATSIYA QILISH YO'LLARI	275

Rustamova M.M.	KOTLIN TILIDA YARATILGAN XIZMAT SIFATINI BAHOLOVCHI “SAFE MOBILE” ILOVASI	285
Zikirullaeva N.	THE ROLE OF GOVERNMENT POLICIES IN ATTRACTING DIRECT FOREIGN INVESTMENTS	294
Anvarova M.M.	RAQAMLI TRANSFORMATSIYA JARAYONINING KICHIK VA O‘RTA BIZNES KORXONALARIGA ASOSIY TA’SIRI	305
Parpieva R.A., Norboyeva N.E., Anvarova M.M.	IMPROVING MEDIA LITERACY USING DIGITAL TECHNOLOGIES IN PROFESSIONAL EDUCATION	311

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
DIGITAL ECONOMY AND INFORMATION TECHNOLOGY
ЦИФРОВАЯ ЭКОНОМИКА И ИНФОРМАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ

ЭЛЕКТРОН ИЛМИЙ ЖУРНАЛ

Мазкур электрон илмий журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 декабрдаги “Оммавий ахборот ва коммуникациялар соҳасида давлат хизматлари кўрсатишнинг айрим маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 1017-сонли қарорида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, Тошкент давлат иқтисодиёт университети томонидан 2021 йил март ойида таъсис этилган ҳамда халқаро интернет тармоғига жойлаштирилган.

This electronic scientific journal was established by the Tashkent State University of Economics in March 2021, based on the tasks defined in the decision of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated December 19, 2019 No. 1017 «On approval of some administrative regulations for the provision of public services in the field of public information and communications» posted on the internet.

Нашр қилинаётган “Рақамли иқтисодиёт ва ахборот технологиялари” электрон, илмий журнали Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг 2023 йил 31 январдаги 332/6-сон қарори билан Иқтисодиёт фанлари бўйича “Фан доктори” илмий даражасига талабгорларнинг диссертация ишлари, илмий натижалари юзасидан илмий мақолалар эълон қилиниши лозим бўлган Республика илмий журналлари рўйхатига киритилган.

The electronic scientific journal “Digital economy and information technologies” published by the decision of the Higher Attestation Commission under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated January 31, 2023 No. 332/6 announces scientific articles on the scientific results of dissertations of candidates for the degree of Doctor of Science in «Economic Sciences» included in the list of republican scientific journals that should be published.

Журналнинг интернет ахборот тармоғидаги манзили:

<https://dgeconomy.tsue.uz/jurnal>

The address of the journal on the internet:

<https://dgeconomy.tsue.uz/jurnal>

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИ РАҚАМЛАШТИРИШДА ЭЛЕКТРОН ТИББИЙ ЁЗУВЛАРНИНГ РОЛИ

Мирзарахимова Азиза Бахром қизи

ТДИУ мустақил изланувчиси

Аннотация. Ушбу илмий мақолада электрон соғлиқни сақлаш тизимини кенг жорий этишда юзага келатган муаммолар ўрганилган бўлиб, шу муаммоларни таҳлил қилиш қилиш асосида унларга ечимлар келтирилган. Мавзунини ўрганишда маҳаллий ва хорижий олимларнинг илмий ишлари чуқур ўрганиш билан бирга мақолани кенгроқ ёритишда Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали шифокор кўригига ёзилишнинг ойлари бўйича умумий статистикаси таҳлил қилинган. Ўрганилган маълумотлардан келиб чиққан ҳолда Электрон тиббий ёзувларнинг роли кенг ёритилган.

Таянч сўзлар. Рақамли иқтисодиёт, рақамли технологиялар, электрон соғлиқни сақлаш, телемедицина, Ягона интерактив давлат хизматлари портали, ахборот-коммуникацион технологиялари, электрон соғлиқни сақлаш ёзувлари, тиббий хизмат кўрсатиш тизими, ахборот ва ташкилий хизмат кўрсатиш тизимлари.

Кириш:

Рақамли технологиялардан фойдаланиш кўлами республика иқтисодиётининг барча соҳа ва тармоқларида кенгайиши натижасида ижтимоий-иқтисодий алоқалар тобора кенгайиб бормоқда. Соғлиқни сақлаш тизимида ҳам ахборот коммуникация технологияларини қўллаш натижасида самарадорлик, баркарорлик, тезкорлик ва аниқлик сингари сифатларга эришиш учун зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Айниқса, жаҳон амалиётида оммалашиб бораётган рақамли тиббиёт тажрибаларидан келиб чиқиб, республикада ушбу йўналишдаги вазифаларни амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясида “Худудларда бирламчи тиббий хизматни «бир қадам» тамойили асосида ташкил этиш” мақсади белгиланган бўлиб, унга кўра республикада замонавий ахборот технологияларини қўллаган ҳолда аҳолига масофадан туриб тиббий хизмат кўрсатиш имкониятларини кенгайтириш кўзда тутилган.⁶⁹ Мамлакатимизда кўрилатган чора-тадбирлар натижасида аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг самарадорлиги, сифати ва қулайлиги ошиб бормоқда.

Бироқ, соғлиқни сақлаш тизимига ахборот-коммуникация технологияларининг етарлича жорий этилмаганлиги, тиббиёт ҳужжатларининг жуда катта ҳажми қоғоз шаклида юритилиши қабул қилинаётган қарорлар ижросини тезкор кузатиб бориш ва самарали ижросини таъминлаш имконини бермаётганлиги муаммонинг долзарблигини белгилайди.

⁶⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ 60-сонли фармони. 28.01.2022.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили:

С.С.Гулямов, Р.Х.Аюпов ва М.К.Абдуллаевларнинг таъкидлашича “2025 йилга келиб, дунёда рақамли иқтисодиётнинг улуши 23 трлн. АҚШ доллари га етади. Унинг жаҳон ялпи ички маҳсулотдаги улушу ҳозирги 17.1 фоиздан 24.3 фоизга ўсади, булутли технологиялардан фойдаланувчи корхоналар сони 58 фоизга, сунъий интеллект 86 фоиз, рақамли катта ҳажмдаги маълумотлар-80 фоизга ошади. Тармоқ стандартлари: 5Г стандартидаги уяли тармоқларнинг маълумот алмашиш тезлиги 20 Гбит/с га етади, бу 4Г стандарт тармоқларидан 4 баробарга юқори кўрсаткичга эга бўлади”.⁷⁰

Рақамли иқтисодиётнинг бир бўлаги бўлган электрон соғлиқни сақлаш муаммоларини ўрганишга кўплаб хорижий олимларнинг ишлари бағишланган. Улардан О.В.Симаков ва В.А.Кондратевларнинг “МДХ давлатларида электрон соғлиқни сақлашни ривожлантириш”⁷¹ мавзусидаги олиб борилган илмий тадқиқотларида соғлиқни сақлашда АКТдан фойдаланишнинг муаммолари, соғлиқни сақлашда АКТни жорий этиш бўйича давлат дастурларининг натижаларига таҳлилий баҳо берилиб, эришилган ютуқлар, мавжуд имкониятлар ҳамда камчиликлар қиёсий ўрганилган. Н.В. Шакел ва М.С.Абламейколар ўз навбатида электрон соғлиқни сақлаш тизимини жорий қилишда хорижий тажрибага танқидий ёндашиб таҳлилларни амалга ошириб, тадқиқотларини Беларусия Республикаси мисолида соҳани ўрганишга йўналтирганлар⁷².

Республикамизда соғлиқни сақлаш тизимини рақамлаштириш учун давлат дастурлари қабул қилинмоқда, тиббиёт соҳаси вакиллари томонидан илмий ишлар олиб борилмоқда. Аммо амалга оширилаётган ишлар қарамай, Республикамизда электрон соғлиқни сақлаш тизимини жорий этиш бўйича баъзи муаммолар мавжудлигича қолмоқда. Ушбу илмий мақола шу муаммоларни кўриб чиқиш ва уларнинг ечимларини ўрганишга бағишланади.

Тадқиқот методологияси:

Тадқиқот мавзусидан келиб чиқиб, мавзу доирасида илмий тадқиқот ишини олиб борган хорижий ва мамлакатимиз олимларининг илмий ишлари ўрганилиб, тадқиқот жараёнида кузатиш, таҳлил қилиш, таққослаш, таҳлилларини амалга ошириш учун статистик таҳлил ҳамда қиёсий таҳлил каби усуллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар:

Электрон соғлиқни сақлаш бу ахборот технологиялари, биоинжиниринг, тиббий даволаниш ва соғлиқни сақлашни қамраб оладиган фанлараро соҳа бўлиб, соғлиқни сақлаш хизматлари ва ахборот технологиялари орқали етказиладиган ёки яхшиланадиган маълумотлар тушунилади. Электрон соғлиқни сақлашнинг мақсади бу соғлиқни сақлаш соҳасида ҳамкорликда хизматларни кўрсатиш, минтакавий соғлиқни сақлаш ресурсларини бирлаштириш ва соғлиқни сақлаш сифатини яхшилаш,

⁷⁰ “Рақамли иқтисодиёт- кадрлар тайёрлашнинг долзарб йўналишлари” Гулямов С.С., Аюпов Р.Х., Абдуллаев М.К. – “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali, №1, yanvar-fevral, 2020 yil

⁷¹ “Развитие электронного здравоохранения в странах СНГ” О.В.Симаков, В.А. Кондратьев – “Информационное общество” № 4-5, 2016 г. <http://www.infosoc.iis.ru>

⁷² “Зарубежный опыт внедрения систем электронного здравоохранения: критический анализ” Н.В. Шакель, М. С. Абламейко – “Журнал международного права и международных отношений” № 1-2, 2020 г.

ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда тиббий маълумотлар билан самарали ишлашдир.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида 2022 йилнинг ўтган даврида болалар аудиоскрининги ва иммунизацияси тизими рақамлаштирилди. Туғилиш-ўлим ахборот тизими такомиллаштирилди. Шунингдек, ҳомиладорликни рўйхатга олиш тизими рақамлаштирилди, тиббиёт ахборот тизимларининг «IT-Med» мобил иловаси ишга туширилди.

Айни пайтда соғлиқни сақлаш соҳасида айрим электрон тизимлардан фойдаланилмоқда (1-расм).




1-расм. Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳасида жорий этилган электрон тизими
Манбаа: илмий адабиётларни ўрганиш асосида муаллиф томонидан тузилган

Электрон соғлиқни сақлаш тизимига ўтишда Ягона интерактив давлат хизматлари порталининг аҳамияти катта. Бугунги кунга келиб порталда 444 турдаги хизматлар жорий қилинган. 2022 йил сентябрь ойида порталда рўйхатдан ўтган фойдаланувчилар сони 2,2 млн. кишини ташкил этган бўлса, портал орқали юборилган аризалар сони 55,6 млн.ни ташкил этади. 2023 йил июнь ойида Ягона интерактив давлат хизматлари порталининг статистик маълумотларига кўра шифокор қабулига ёзилиш бўйича юборилган аризалар сони ўртача 6800 тадан ошади. Сўнги ойлардаги шифокор қабулига онлайн ёзилиш кўрсаткичига аҳамият берадиган бўлсак қуйидагиларни кўриш мумкин (2-расм).

Статистик маълумотлардан шуни кўриш мумкинки, шифокор қабулига онлайн ёзилиш йил бошига қараганда ошган. Бу дегани инсонларнинг ахборот-

коммуникатсион технологияларидан фойдалана олиш даражаси ўсганлиги билан баҳолаш мумкин. Албатта электрон соғлиқни сақлаш хизматидан фойдаланиш учун тиббиёт муассасаларини керакли техника воситалари билан таъминланганлига катта аҳамиятга эга. Бироқ улардан тўғри фойдалана олиш даражаси юқори бўлиши учун билим ва кўникмалар талаб этилади.

Бу ўз навбатида нафақат фойдаланувчи инсонларнинг балки тиббиёт ходимларининг ҳам ахборот технологияларидан фойдаланиш саводхонлигини ва интернет тармоғидан фойдалана олиш билимларини янада ошириш кераклигини англатади. Ҳозирги кунда тиббиёт олий ўқув юртларида ахборот-коммуникацион технологиялари курсларини ўқитиш йўлга қўйилгани билан ҳамшираларнинг ахборот-коммуникацион технологияларидан фойдалана олиш даражаси замон талабига жавоб бермаётгани баъзи муаммоларга сабаб бўлмоқда.



2-расм. Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали шифокор кўригига ёзилишнинг ойлар бўйича умумий статистикаси (2023 йил)

Манбаа: Ягона интерактив давлат хизматлари порталида берилган маълумотлар асосида муаллиф томонидан тузилган

Масалан, оилавий поликлиникаларда бемор тиббиёт ҳодими қабулига кирганда шифокор кўриги вақтида анкеталарни тўлдиришга кўп вақт кетиши бу эса ўз ўрнида навбат кутиб турган беморларга қийинчилик туғдиради. Бир шифокордан чиқиб иккинчи шифокор қабулига киргунча куннинг анча вақти оилавий поликлиникада навбаткутишга кетишига тўғрикелади. Бундан ташқари бемороилавий поликлиникада эмас бошқа тиббиёт муассасида кўриқдан ўтмоқчи бўлса касаллик тарихини оилавий поликлиникага бориб олиб, сўнг ўзи истаган шифокор кўригига кириши керак, бу ҳам ўз навбатида ноқулайликларга сабаб бўлади. Республика тиббиёт муассасаларидаги ушбу ҳолат электрон соғлиқни сақлаш ёзувларининг қанчалик аҳамиятли эканлигини кўрсатиб беради.

Электрон соғлиқни сақлаш ёзувлари ва электрон тиббий ёзувлар замонавий тиббий ахборот технологиялари афзаллиги ҳисобланади. Иккала атама, электрон соғлиқни сақлаш ёзувлари ва электрон тиббий ёзувлар кўпинча бир-бирининг ўрнига ишлатилган бўлса-да, электрон соғлиқни сақлаш ёзувлар хронологик жиҳатдан яқинроқ бўлиб, электрон тиббий ёзувларга қараганда кўпроқ маълумотларни киритишга имконига эга. Электрон соғлиқни сақлаш ёзувлари беморни парваришлаш билан шуғулланадиган барча шифокорлардан маълумот олади ва керак бўлганда ушбу маълумотларни узатиш имконини беради.

Ривожландан мамлакатлар тажрибасини оладиган бўлсак, кўплаб тиббиёт муассасаларида мавжуд эскирган ва ишончсиз қоғоз тизимларини ўрнига АҚШда электрон ёзувлардан тобора кенг фойдаланилмоқда. Бу эса соғлиқни сақлаш хизматидан хавфсизроқ ва самаралироқ фойдаланиш имконини беради. Бу фақатгина шифокорларни эмас балки турли соғлиқни сақлаш хизматларидан фойдаланувчи беморларнинг ишини осонлаштиради. Айниқса бирон бир шахснинг тиббий маълумотлари, касаллик тарихи зарур бўладиган фавқулодда вазиятларда масалан, бахтсиз ҳодисалар, табиий офатлар ва террористик ҳужумларда, бемор маълумотларининг мавжудлиги жуда ҳам катта ёрдам беради. Тиббий ёзувлар бир зумда мавжуд бўлганда - беморнинг аҳволдан қатъи назар - даволаниш натижалари максимал даражага оширилиши мумкин.

Электрон соғлиқни сақлаш ёзувлари ва электрон тиббий ёзувлар кунлик тиббий вазиятларда ҳам қимматлидир. Беморларнинг ўзларининг тиббий тарихини ўзларининг ҳисоб-китобларига таяниш ўрнига, ҳозирги вақтда электрон соғлиқни сақлаш ёзувларни ишлатадиган шифокорлар, ўзларининг бутун тиббий тарихига кириш учун беморнинг идентификатсион маълумотларини (туғилган йили ва туғилган куни каби) талаб қилади. Бу даволаш жараёнини нафақат тезроқ, балки янада хавфсизроқ ва янада кенгроқ қилиш имконини беради.

Электрон соғлиқни сақлаш ёзувлари ва электрон тиббий ёзувларни кенг жорий этиш мақсадида АҚШ ҳукумати рағбатлантирувчи дастурларни таклиф қилиб, электрон ёзувлардан фойдаланишни фаол равишда рағбатлантирмоқда. Агар соғлиқни сақлаш ходимлари электрон соғлиқни сақлаш ёзувларини ишлатаётганлигини исботлай оладиган бўлса ва уларни эътиборсиз қолдирмайди.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўзимизда қўлашни ўрганиш, ўргатиш тиббиёт соҳасида катта имкониятларга йўл очади, чунки электрон соғлиқни сақлаш ёзувлари ва электрон тиббий ёзувларининг бир мунча афзалликлари бор:

✓ Бирламчи тиббий ёрдам кўрсатувчилар томонидан тўпланган маълумотларни фавқулодда вазиятларда бир зумда олиш имкони. Мисол учун, агар бирор киши муайян дориларга аллергияси бўлса, электрон соғлиқни сақлаш ёзувлари орқали маълумот олиш имконини беради;

✓ Беморнинг охири марта топширган тиббий таҳлил натижалари ҳақида маълумотни олиши эса беморга зарур бўлган тиббий таҳлилни қайта топширмасдан зудлик билан ёрдам кўрсатиш имконини беради;

✓ Бемор ҳақидаги барча тиббий ёзувларни бир жойда сақланиши, ҳар қандай ҳолларда ҳам турли жойда, фойдаланиш имкони беради;

✓ Беморлар ўзларининг ёзувларига кўришлари ва тиббий маълумотларига киришлари осонлашади ва бошқа кўплаб имкониятларни беради.

Албатта электрон тиббий ёзувларнинг афзалликларини кўриб чиқганда хавфсизлик масаласи ҳам юқорига ўринга ўтади, ушбу масала бўйича Республика мидаги ахборот хавфсизли билан шуғулланадиган тегишли идоралар билан бирга иш олиб бориш мақсадга мувофиқ бўлади.

Хулоса ва таклифлар:

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, рақамли иқтисодиётга ўтишда соғлиқни сақлаш тизимини электронлаштириш Республика мида катта ижобий ўзгаришларга сабаб бўла олади. Сабаби қадимдан “Соғ танда-соғлом ақл” каби чуқур маънога эга гаплар бекорга айтилмаган. Шу ўринда электрон соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш учун қуйидаги таклифларни беришни жоиз деб биламиз:

- Тиббиёт ходимларини ахборот-коммуникацион технологияларидан фойдаланиш саводхонлигини ошириш;
- Электрон соғлиқни сақлаш ёзувларига босқичма-босқич ўтиш;
- Электрон соғлиқни сақлаш ёзувларини иш жараёнида қўллаётган ходимларни рағбатлантириш;
- Оилавий поликлиникаларга, қишлоқ врачлик пунктларига, шифохоналарга келаётган беморларга электрон соғлиқни сақлаш ёзувлари ҳақида кенг маълумот бериш;
- Электрон соғлиқни сақлаш тизимига ўтишда ривожланган давлатлар тажрибасини кенг ўрганиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. “Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев раислигидаги “Тармоқ ва ҳудудларда рақамли иқтисодиёт ҳамда электрон ҳукуматни жорий қилиш” масалалари бўйича 22 сентябр 2020-йилда ўтказилган видеоселектр йиғилиши” Халқ сўзи газетаси 23 сентябр 2020 йил, №201 (7703)
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори Тошкент ш., 2020-йил 28-апрел, пқ-4699-сон
3. “Рақамли иқтисодиёт- кадрлар тайёрлашнинг долзарб йўналишлари” Гулямов С.С., Аюпов Р.Х., Абдуллаев М.К. – “Иқтисодиёт ва инноватсион технологиялар” илмий электрон журнали, №1, январ-феврал, 2020 йил
4. “Развитие электронного здравоохранения в странах СНГ” О.В. Симаков, В. А. Кондратьев – “Информационное общество” № 4-5, 2016 г. <http://www.info.ru>
5. “Зарубежный опыт внедрения систем электронного здравоохранения: критический анализ” Н.В. Шакель, М. С. Абламейко – “Журнал международного права и международных отношений” № 1-2, 2020 г.
6. www.my.gov.uz - Ягона интерактив давлат хизматлари порталининг сайти
7. <https://mitc.uz/> - Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги сайти
8. “Основные сведения о цифровых системах здравоохранения” <https://www.euro.who.in> 5.02.2019г.



РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
DIGITAL ECONOMY AND INFORMATION TECHNOLOGY
ЦИФРОВАЯ ЭКОНОМИКА И ИНФОРМАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ

Электрон илимий журнал | Electronic scientific journal

Muharrirlar:
Yaxshiyev H.T.
Matxo'jayev A.O.

Musahhih:
Matxo'jayev A.O.

Tehnik muharrir:
Mirzayev J.O'.

Litsenziya AI № 2537 08.02.2022 y. Bosishga ruxsat etildi 19.10.2023.
Qog'oz bichimi 60x84 ¹/₈. Shartli bosma tabog'i 19,9. Raqamli bosma.
Adadi 50 nusxa. №16/10-2023 - sonli buyurtma.

“Zarafshon Foto” MCHJning matbaa bo'limida chop etildi.
100164, Toshkent sh., Mirzo Ulug'bek tumani, Shahriobod ko'chasi, 3-uy.

CONFERENCE "GLOBAL AND NATIONAL ECONOMIC TRENDS" 19-20 OCTOBER

1st DIRECTION: TRENDS AND PROSPECTIVE DIRECTIONS OF GLOBAL ECONOMIC DEVELOPMENT.

CONFERENCE "GLOBAL AND NATIONAL ECONOMIC

TRENDS"

19-20 OCTOBER 2023

TASHKENT STATE

UNIVERSITY OF ECONOMICS,

TASHKENT, UZBEKISTAN

CONFERENCE "GLOBAL AND NATIONAL ECONOMIC TRENDS" AND ICDSIS

"NEW2AN,

Parallel conferences

CONFERENCE "IFRS" ФОРУМ

DEVELOPMENT STRATEGY:

GLOBAL ECONOMIC TRENDS

"IFRS"

НОМЛИ

КОНФЕРЕНЦИЯ

CONFERENCE "GLOBAL AND NATIONAL ECONOMIC

TRENDS"

TASHKENT STATE

UNIVERSITY OF ECONOMICS

ЎНАЛИШ: ГЛОБАЛ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛИ ЎНАЛИШЛАРИ. "Глобал ва миллий иқтисодиёт трендлари" номли конференция

PARALLEL CONFERENCES

"NEW2AN, ICDSIS

AND ICDSIS



- Conditions for improvement
- Corporate Account
- Institutional problems
- Training personnel for
- Business environment
- Digital technologies in

CONFERENCE

"S" CONFERENCE "GLOBAL AND NATIONAL ECONOMIC TRENDS" 19-20 OCTOBER



+998 71 239-28-94 <http://dgeconomy.tsue.uz/>

dgeconomy_tdiu@mail.ru, dgeconomy@tsue.uz

100066, Toshkent shahri, Islom Karimov ko'chasi, 49-uy.

ФОРУМ

- Gender Equality
- Industry 4.0
- Sustainable Agricultural Development

- Digit
- Gree
- Envir
- Alter
- Artif
- digit